

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11523156>

Сайдирахимова Насиба Сайидмахамадовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти кафедраси доценти,

филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация. Ушбу мақолада тилшуносликда когнитив йщналишнинг юзага келиши, унинг ўрганиш объекти, “когнитивизм” тушунчасининг моҳияти ҳамда когнитив тилшуносликнинг анъанавий тилшуносликдан фарқли белгилари хусусида сўз юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: концепт, инсон интеллекти, когнитивизм, когнитив психология, маданий антропология, сунъий интеллектнинг моделлаштирилиши, нейроилм, тилшунослик, гешталь, фрейд.

КОГНИТИВНАЯ ЛИНГВИСТИКА КАК ОТДЕЛЬНАЯ НАУЧНАЯ ОБЛАСТЬ

Сайдирахимова Насиба Сайидмахамадовна

Международная исламская академия Узбекистана

доцент кафедры узбекского языка и

классической восточной литературы,

кандидат филологических наук, доцент

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос о возникновении когнитивной направленности в языкознании, объект его изучения, основы термина «когнитивизм», а так же различие когнитивной лингвистики от традиционной лингвистики.

Ключевые слова: концепт, человеческий интеллект, когнитивизм, когнитивная психология, культурологическая антропология, моделирование искусственного интеллекта, нейрологическая наука, гештальт, фрейд.

COGNITIVE LINGUISTICS AS A SEPARATE SCIENTIFIC FIELD

Sayidirahimova Nasiba Sayidmahamadovna

International Islamic Academy of Uzbekistan

Associate Professor of the Department of Uzbek Language and

classical oriental literature, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

Resume: *This article examines the emergence of cognitive linguistics in the direction of the object of its study, the basics of the term "cognitivism", as well as the difference from the traditional cognitive linguistics.*

Keywords: *concept, human intelligence, cognitivism, cognitive psychology, cultural anthropology, Simulation of artificial intelligence, neurological science, gestalt, frame.*

Сўнги йилларда когнитив илмнинг шиддат билан ривожланиши лингвистик тадқиқотларда ҳам концепт тушунчаси муаммосининг долзарблашишига сабаб бўлди. Чунки лингвист-тадқиқотчи айнан тил орқали инсон когнитив механизмини англашга эришади ва бундай ёндашув асосида тилнинг барча сатҳ, системаси юзасидан олинган фактик маълумотлар янги-янги хулосаларга келиш имконини яратади.

Инсон интеллекти, тафаккур қонунияти билан қадимдан матниқ, фалсафа, физиология, психология фанлари шуғулланиб келган. Шунингдек, фалсафада англаш назарияси билан шуғулланувчи алоҳида бўлим – гносеология мавжуд. Шу сабабли айтиш мумкинки, когнитивизм антик давр фалсафаси билан боғлиқ улкан анъанага эга. Ҳозирги кун когнитив илмида эса қадимги масалалар янгича талқин этилаётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, табиатнинг турли реалиялари (нарсаси, ҳодисаси, жараёнлари) тафаккурда турлича: айримлари кўргазмалар образлари сифатида, бошқалари эса аниқ тушунча сифатида, учинчиси – белгилар кўринишида тасвирланади.

Когнитивизм – объекти инсон онги, тафаккури ва унинг ментал жараён ва ҳолатларини биргаликда ўрганиш билан шуғулланувчи алоҳида илмий соҳа саналади. У англаш ва билимлар, инсон фаолияти давомида оламни англаш жараёнлари ҳақидаги фандир.

Ҳозирги кунда Н.Хомский асос солган когнитив лингвистика масаласи ҳақида тез-тез гапирлар экан, америкалик тилшунослардан бири шундай дейди: “Когнитив инқилоб онг, тафаккурга боғлиқ ҳолда инсон хатти-ҳаракати, асосан, когнитив ҳолатлари: билим, тушуниш, англаш, интерпретация ва ҳоказо ҳолатларни шартлантиради”.⁴

Маълумки, билим ва ахборот билан боғлиқ жараёнлар когниция ёки когнитив жараён саналади. Бу ўринда, “интеллектуал”, “ментал” сўзлари уларнинг синонимларидир. Когнитивизм позицияси нуқтаи назаридан инсон ахборотни қайта ишлаш системаси тарзида ўзлаштиради, унинг хатти-ҳаракати эса инсон ички ҳолати билан боғлиқ термин-тушунчалар ёрдамида тасвирланади.

Замонавий тадқиқотларнинг кўрсатишича, когнитивизм ўзида бир қанча илмий йўналишлар: когнитив психология, маданий антропология, сунъий интеллектнинг моделлаштирилиши, фалсафа, нейроилм, тилшунослик ва бошқаларни

⁴ Хомский Н. Язык и мышление. –М.: Издательство Московского университета, 1972. –С126.

бирлаштиради. Бироқ мазкур боғланишда когнитивистиканинг фанлараро боғлиқлиги ва хос томонларини белгилаш лозим.

Ж.Миллер 1950 йиллар ўрталарида ахборот назариясига бағишлаб ўтказилган симпозиумни Когнитив илмининг юзага келишига сабаб бўлганлиги белгилайди⁵. Бошқа америкалик профессор Ж.Бруннер эса айни ўша вақтларда биринчилардан бўлиб⁶, когнитив жараёнларнинг табиати ҳақидаги маърузалари билан чиқади ва ҳар иккаласи биргаликда 1960 йилда Гарвард унверситети қошида биринчи когнитив тадқиқотлар марказини ташкил этадилар.

Хўш, когнитивизм қандай янгиликлар беради, деган савол туғилиши табиий. Когнитивизм Демянковнинг фикрига кўра, инсон тафаккур-мушоҳадаси ҳақидаги қатор масалаларга аниқлик киритишга йўл очади.⁷

Ҳозирги кунда “когнитивизм” термини остида: инсон “тафаккур механизмлари”ни тадқиқ этиш дастури; инсон онгига турли каналлар ёрдамида узатилувчи ахборотнинг қайта ишланиш жараёнини ўрганиш; олам-борлиқ моделининг ментал қурилиши; когнитив актларнинг турли кўринишларини таъминловчи қурилма системаси; инсониятнинг шаклланиши ва англаши, у томонидан яратилган компьютер дастурларининг ишлаши ва буларнинг барчасининг муайян тилга жойлаштирилганлик масаласи тушунчалари назарда тутилади.

Когнитивистикада асосий эътибор инсон когнициясига қаратилади, бироқ унда фақат инсон томонидан кузатилувчи ҳодисаларгина эмас, балки инсон тажрибаси ва билимлари асосида акс этувчи уларнинг ментал репрезентациялари (ички тасаввур моделлари), рамзлар, инсон хатти-ҳаракати натижасида юзага келувчи жараёнларни ўрганишга қаратилади.

Шундай қилиб, билимлар категорияси, билишнинг турли муаммолари ва уларнинг тилда турлича акс этиши масаласи когнитив лингвистиканинг марказий ҳамда бош масаласи саналади.

Натижада XIX асрнинг ўрталарига келиб, болалар томонидан тилнинг ўзлаштирилиши кузатиш орқали амалга ошиши ва бола тасаввур, таассурот асосида қандайдир омилларга таянган ҳолда она тилини тўла эгаллаши ва тилни эгаллашдаги бу универсал “алгоритм” тилни ўзлаштиришда бола томонидан кашф этилган янги ички грамматик қонуниятлар орқали юзага келиши масаласига аниқлик киритишга кенг йўл очди.

Бу жараённи кузатишларни умумлаштирган ҳолда тадқиқотчилар, бу қонуниятлар инсон тафаккури, англаш жараёни, хотира ва ҳатто эмоцияси маҳсули деган хулосага келдилар.

⁵ Миллер Ж. Художественный концепт как смысловая и эстетическая категория // Мир русского слова. –М., 2000. -№4. -С.39-46.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Красный В.В. Основы психолингвистики и теории коммуникации. –М., 2015.

⁷ Демянков В.З. Когнитивизм, когниция, язык и лингвистическая теория // Язык и структуры представления знаний. –М., 1992. -Б. 39-77.

Натижада когнитив фаолиятда индивиднинг борлиқ, олам ҳақидаги ўй-фикрига алоқадор мазмун-маънолар системаси яратилади. Инсоннинг оламини англаши билан боғлиқ символларни таҳлили қилиш эса тилшунослик илмининг инсон ва жамиятни ўрганувчи янги соҳаси – когнитив тилшуносликнинг юзага келишига сабаб бўлди. Айрим тадқиқотчилар когнитив тилшуносликни янги илмий парадигма сифатида белгилайдилар⁸.

Когнитив тилшуносликнинг мақсади – қабул қилиш жараёнларининг қандай амалга ошишини, олам-борлиқни ўзлаштириш ва тўплаган билимлар асосида таснифлаш, ахборот-информациянинг турли фаолиятлардаги кўринишини ташкилловчи қандай системалар мавжудлигини ўрганишдан иборатдир.

Айнан тил бу жараёнда тафаккур фолияти натижаларининг кўпчилиги вербаллашиши учунгина эмас, балки “биз фақат тил ёрдамидагина тафаккур структураси ҳамда бу структуралар ҳақида маълумот бериш ва ушбу маълумотни исталган тилда ифода этиш имконига эга бўламиз”⁹.

Когнитив тилшунослик аслида структур тилшунослик таркибида юзага келган, бироқ у структур ёндашувни талаб этмайди, балки баъзи ўринларда у структур тилшунослик масалаларига таянган ҳолда ундан муайян мақсадларда фойдаланади. Тилга бўлган структур ёндашув турли мамлакатларда миллий анъаналарига боғлиқ равишда ўзаро фарқланувчи тилни иммонент тушунишга асосланади.

Ҳозирга келиб, тафаккур масалаларини ўрганишга бўлган турлича ёндашувлар, яъни тил системасидаги имманент ҳолатларни кўрсатиб берувчи ва инсон ҳаётий фаолияти ва жамият муносабати жараёнлари масаларини ўрганиш қатор янги фанларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Тилшунослик билан тўқнашиш жараёнида юзага келган бундай фанлар қаторига психоллингвистика, этнолингвистика, социоллингвистика, когнитив тилшунослик ва лингвокултурологияни киритиш мумкин.

Бундай ҳолатни тилшуносликнинг ўзида ҳам кузатиш мумкин: тилшунослик илмида энди асосий эътибор тафаккур жараёни ва унда инсоннинг ижтимоий таъсири масаласини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши масаласида кузатилади. Бу эса, албатта, когнитив тилшуносликнинг юзага келишига тўртки бўлди. Ва натижада лингвистик тадқиқотлар марказида энди ахборотни эгаллаш, қайта ишлаш, хотирада сақлаш масаласи қарала бошланди.

Бунда когнитив тилшуносликнинг хотиранинг оператив бирликлари – фрейм (стереотип ситуациялари, сценарий)лар, концептлар (олинган сўзда жамланган барча маъноларнинг бирлашмаси), гештальт (олам ҳақидаги тушуниш жараёнигача бўлган барча образ) ва ҳоказолар асосий воситаси-қуроли саналади.

⁸ Бу ҳақда қаранг: Бабина, Л.В. Когнитивные основы вторичных явлений в языке и речи / Л.В. Бабина. Тамбов-Москва: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2003. -264 б. Бодуэн де Куртенэ, И.А. Избранные труды по общему языкознанию / И.А. Бодуэн де Куртенэ. М.: Изд-во АН СССР, 1963. - Т.2 - 389 б.

⁹ Кубрякова, Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика-психология-когнитивная наука // Вопросы языкознания. –М., 1994. № 4. -Б.34-47.

Шунингдек, когнитив тилшунослик тилни англашдаги моделлаштириш қурилмаси, олам тасвири-картинасининг моделлаштирилиши масаласига йўналтирилади.

Когнитив тилшунослик билан тилни англашдаги янгича ёндашуви нуқтаи назаридан мантиқ, психология, социология, фалсафа фанлари ўзвий боғлиқ ҳолда иш юритади.

Анъанавий структур-семантик тилшунослик ва когнитив тилшунослик илмий тафаккурнинг альтернатив оқими саналмайди, шу сабабли улар лингвистик реалликни англашга турли томондан ёндашиши билан кескин фарқланади.

Бизнингча, когнитив тилшунослик анъанавий тилшуносликдан қуйидаги қатор белгилари билан фарқланади:

1. Когнитив тилшуносликда тил назарий жиҳатдан таҳлил этилмайди.

2. Когнитив тилшунослик инсон билиш системасида қандай ўринга эга ва у қайси фанлар бағрида юзага келганлиги ўрганилади.

3. Когнитив тилшуносликда ўртага қўйилган муаммолар қандай спецификага эга ва улар қандай йўллар асосида эчим топади.

Когнитив тилшунослик – тилшуносликнинг тил ва тафаккур муносабати, олам ҳақидаги билимларни категориялаштириш ва концептуаллаштиришда тилнинг ўрни ва роли, инсоннинг англаш жараёни билим ва тажрибаларини умумлаштиришда ҳамда инсонга хос когнитив фаолиятнинг тил ва унинг шакллари билан алоқаси муаммоси каби қатор масалаларни ўрганувчи алоҳида йўналиши ҳисобланади.

Умуман, когнитивизм тафаккур жараёни билан бошқариладиган умумий принципларни текшириши билан кўплаб фанларни умумлаштиради. Бундай ҳолда тил тафаккур-мушоҳада жараёнига йўл очувчи восита сифатида намоён бўлади. Чунки, айнан тилда инсоннинг ўй-фикри, ҳаётий тажрибаси акс этади; тил-белгилар системаси, ахборот-информацияни шакллантирувчи ва специфик кодлаштирувчи англаш механизми саналади.

Тилни англаш механизми сифатида тадқиқ этиш когнитив тилшуносликнинг объекти саналади.

Юқорида таъкидланганидек, сўзда акс этган ва кўзланган ахборотни англаш ва қабул қилиш системасининг ўзаро таъсири – инсонга хос когниция когнитив тилшуносликнинг предмети саналади.

XX асрнинг 90-йилларига келиб, когнитивизмда 4 та йўналиш юзага келди.

1. Ментал механизмни тасвирлаш ва изоҳлаш масаласи билан шуғулланувчи когнитив йўналиш.

2. Тафаккурнинг шаклланиши ва ифода этилишида инсон-субъектнинг ролини биринчи планга чиқишини илгари сурувчи когнитив йўналиш.

3. Инсоннинг ички тафаккур-мушоҳада табиатини ўрганиш билан шуғулланувчи когнитив йўналиш.

4. Когнитив жараёнларни ўрганиш билан шуғулланувчи йўналиш.

Когнитив тилшунослик ўзида у асосий бўлимни бирлаштиради: биринчи ўринда, лексик семантика билан шуғулланувчи когнитив семантика, энг аввало, морфология ва синтаксис ҳамда грамматика билан боғлиқ масалалари билан шуғулланувчи когнитив грамматика ҳамда когнитив фонология.

Хулоса қилиб айтганда, когнитив тилшунослик – бу диққат марказида ахборотни ифода-репрезентация (кодлаштиришда) этишда асосий рол ўйновчи ҳамда когнитив восита – белгилар системаси сифатида қаралувчи тилнинг умумий когнитив механизми ҳақидаги тилшуносликнинг алоҳида йўналишидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хомский Н. Язык и мышление. –М.: Издательство Московского университета, 1972. –С 126.
2. Миллер Ж. Художественный концепт как смысловая и эстетическая категория // Мир русского слова. –М., 2000. -№4. –С.39-46.
3. Бу ҳақда қаранг: Красный В.В. Основы психолингвистики и теории коммуникации. –М., 2015.
4. Демьянков В.З. Когнитивизм, когниция, язык и лингвистическая теория // Язык и структуры представления знаний. -М., 1992. -Б.. 39-77.
5. Бу ҳақда қаранг: Бабина, Л.В. Когнитивные основы вторичных явлений в языке и речи / Л.В. Бабина. Тамбов-Москва: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2003. -264 б.; Бодуэн де Куртенэ, И.А. Избранные труды по общему языкознанию / И.А. Бодуэн де Куртенэ. М.: Изд-во АН СССР, 1963. - Т.2 - 389 б.
6. Кубрякова, Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика-психология-когнитивная наука // Вопросы языкознания. –М., 1994. № 4. -Б.34-47.